БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАРИПОВА РАЪНО ИБОДУЛЛОЕВНА

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОДДИЙ СЎЗЛАШУВ НУТҚИГА ХОС ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ АДАБИЙ НОРМАГА МУНОСАБАТИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2020

УДК: 811.81’276.2:81’276.12

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам

The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) in Philology

Зарипова Раъно Ибодуллоевна
Инглиз ва ўзбек тилларида оддий сўзлашув нутқига хос фразеологизмларнинг адабий нормага муносабати ……..... 3

Зарипова Рано Ибодуллоевна
Отношение разговорно-просторечных фразеологизмов английского и узбекского языков к литературной норме……..... 23

Zaripova Rano Ibodulloevna
The Relation of Colloquial Phraseological Units of the English and Uzbek Languages to the Literary Norm……..... 44

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of publications .....…….....……..…… 48

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАРИПОВА РАЪНО ИБОДУЛЛОЕВНА

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОДДИЙ СЎЗЛАШУВ НУТҚИГА ХОС ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ АДАБИЙ НОРМАГА МУНОСАБАТИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Fil345 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Маматов Абди Эшонқулович**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Кахарова Ирода Сидиковна**
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Хайруллаев Хуршиджон Зайниевич
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «12» декабр соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-27-57; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (15 рақами билан рўйхатга олинган).

Диссертация автореферати 2020 йил «27» ноября куни тарқатилди.
(2020 йил «27» ноября даги №10 рақамли реестр баённомаси).

Д.С. Ўраева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол. ф.д., профессор

З.И. Расулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф. н., доцент

М.М. Жўраева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон халқлари тилида миллатнинг ўзлиги, дунёқараши, тарихи, маданияти ва маънавий турмуш тарзи, анъана ҳамда урф-одатларини акс эттирувчи фразеологик бирликлар мавжуд бўлиб, ўзининг миллий-лисоний хусусиятлари, тил меъёри, умумий қонуниятлари доирасида қўлланиши жиҳатидан алоҳида эътиборни тортади. Мазкур бирликларнинг тил ва нутқдаги ўрни, функционал меъёрлари, юзага келиш сабаблари, миллий-маданий жиҳатдан универсал ва дифференциал, парадигматик хусусиятлари, халқ тилидан адабий тилга кўчиши, семантик турлари, бадиий-услубий имкониятлари, шакл, мазмун ва функцияаро асимметрик муносабатининг таржимада акс этиши, шунингдек, фразеологизмлар луғатини яратиш каби муаммоларнинг замонавий тилшуносликка хос янгича концепция ва усуллар асосида ҳал этилиши миллий тилнинг халқ бойлиги эканлигини исботлаш учун зарур ва муҳим ҳисобланади.

Дунё тилшунослигида оддий сўзлашув нутқига алоқадор фразеологик бирликларнинг ўзига хос хусусияти ва меъёрини ёритиш, тузилишига кўра таркибий моделларини аниқлашга доир тадқиқотлар кенг кўламда амалга оширилмоқда. Аммо оддий сўзлашув нутқида қўлланадиган фразеологизмларда жаргон, арго, диалектизм, вульгаризм, варваризм, макаронизмларнинг учраши, адабий тилда улардан фойдаланишда услубий чегараланиш, фразеологизмларга хос меъёрларнинг бузилиши билан боғлиқ муаммолар тилшуносликда ўзининг объектив ечимини кутаётган долзарб масалалардандир. Шунга кўра, фразеологик бирликларнинг лексик-семантик, синтактик, функционал-прагматик, услубий хусусиятлари жиҳатидан уйғунлашуви, оддий сўзлашув ва адабий дискурсда қўлланишидаги тафовутларнинг тўлақонли тадқиқи, уларни таржима қилиш жараёнида воқеланадиган контекстуал-прагматик мутаносиблик/номутаносиблик ҳолатларининг ҳар томонлама таҳлили фразеологизмлар тизимида бирламчи ва иккиламчи меъёр белгиларини далиллашга имкон яратади.

Юртимизда дунё мамлакатлари билан глобал соҳаларда ўзаро алоқалар ўрнатилаётган бугунги кунда тил ва маънавият давлат сиёсати даражасига кўтарилган масалалар сирасига киради. “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади”[1]. Мамлакатимиз миқёсида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва янгиланишлар ҳозирги даврда миллатимизнинг руҳиятини ўзида акс эттирадиган тил ҳодисаларини ўрганиш учун, жумладан, халқнинг маънавий қадриятлари билан боғлиқ фразеологизмлар ҳақидаги билимларни оширишда муҳим омил ҳисобланади.

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 23 декабрь 2017 йил.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сонли “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари; 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сонли “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сонли “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг: I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. “Фразеология” тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида шаклланган бўлиб, унга назарий жиҳатдан тамал тоши швейцариялик тилшунос Шарль Балли томонидан қўйилган[2]. Инглиз тилшунослигида фразеологизмлар, уларнинг назарий асослари тил ҳодисаси сифатида Н.Н.Амосова, А.В.Кунин томонидан тадқиқ қилинган[3].

Е.Н.Бетехтина замонавий рус тилидаги ономастик компонентли фразеологик библеизмларни инглиз тили фонида, З.Р. Загирова эса инглиз тилидаги антропоним таркибли фразеологик бирликларнинг лексик-семантик ва функционал параметрларини француз, рус, татар тилидаги шундай иборалар билан қиёслаб ўрганган.

Рус тилшунослигида фразеологизмларни ўрганишда Б.А.Ларин, М.Т.Тагиев, Е.Поливанов, В.Л.Архангельский, В.Виноградов, В.М.Мокиенко, Н.М.Шанский, Ю.А.Гвоздарев, Е.А.Малиновский, А.И.Федоров, Д.О.Добровольский, В.Н.Телия, А.В.Вернер, В.Г.Гак, С.Кравцов каби олимларнинг алоҳида хизматлари бор.

Ўзбек фразеологиясининг назарий масалалари ҳамда таржима тамойиллари бўйича Ш.Раҳматуллаев, Я.Пинхасов, Б.Йўлдошев, Р.Игамбердиев, М.И.Умарходжаев, Х.Каххарова, И.И.Расулов,

---

[2]Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – М.: Эдиториал УРСС, 2001. – 416 с.

[3]Амосова Н.Н. Основы английской фразеологии. – Л.: ЛГУ, 1963. – 208 с.; Кунин А.В. Фразеология современного английского языка. – М.: Высшая школа, 1972. – 198 с.; Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка. – М.:Высшая школа, 1996. – 381 с.

А.Э.Маматов, М.Ҳакимов, Г.Н.Хидирова, Ш.Абдуллаев, А.В.Уразметова, Қ.Мусаев, Н.Ф.Қосимова, Н.М.Ўрмонова, Ш.Ғаниева, А.А.Носиров, Г.Қурбонова каби олимлар яратган тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга[4].

Г.М.Адашуллоева[5] тадқиқотида тожик ва ўзбек тилларида шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологизмларнинг қиёсий-типологик таҳлили амалга оширилган бўлса, М.Н.Азимова[6] соматик лексика ва фразеологизмларни тожик ҳамда инглиз тиллари қиёсида таҳлил қилган.

Ўзбек лексикографиясида фразеологизмлар луғатини яратиш борасида Р.Абдурахимов, Ш.Рахматуллаев, М.Содиқова, Э.А.Умаров, Шомақсудов ҳамда Ш.Шораҳмедовлар[7] эришган ютуқларни эътироф этиш мумкин. Кўринадики, инглиз ва ўзбек тилларида оддий сўзлашув нутқига хос фразеологизмларнинг ўзига хос шакл ва мазмун, услуб хусусиятлари, шаклланиш омиллари, хусусан, адабий тил нормасига муносабати билан боғлиқ муаммолар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация Бухоро давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси таркибига кирувчи “Тилнинг лексик-семантик тизими, қиёсий-типологик изланишлар ва таржимашунослик муаммолари” мавзусидаги тадқиқотлар доирасида бажарилган.

---

[4]Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. – Т.: Университет, 2006. – 464 б.; Пинхасов Я.Д. Ҳозирги ўзбек адабий тили (лексикология ва фразеология). – Т.: Ўқитувчи, 1969. – 80 б.; Йўлдошев Б. Фразеология тарихидан лавҳалар. – Самарқанд: Суғдиёна, 1998. – 110 б.; Игамбердиев Р. Художественно-стилистическая роль фразеологизмов в “Бадаи-ал-вакаи” Зайниддина Восифи: Автореф. дис… канд. филол. наук. – Душанбе, 1975. – 25 с.; Умарходжаев М.И. Основы фразеографии. – Т.: Фан, 1983. – С. 21; Каххарова Х. Фразеология Абдуллы Кадыри: Автореф. дисс… канд. филол. наук. – Т., 1985. – 23 с.; Расулов И.И. Наречные фразеологические единицы в русском и узбекском языках: Автореф. дисс… канд. филол. наук. – Т., 1987. – 22 с.; Маматов А.Э. Проблемы лексико-фразеологической нормы в современном узбекском литературном языке: Автореф. дисс… доктора филол. наук. – Т., 1991. – 52 с.; Ҳакимов Қ.М. Ўзбек тилидаги содда гап қолипли фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанликлари: Филол. фанл. номз.... дисс. автореф. – Т., 1994. – 24 б.; Хидирова Г.Н. Вариантность фразеологических единиц (на материале фразеологических словарей русского языка): Дисс... канд. филол. наук. – Самарканд, 2000. – 126 с.; Абдуллаев Ш.Д. Таржима асарларда фразеологизмлар семантикаси (Т.Қайипбергенов асарларининг ўзбекча таржимаси асосида): Филол. фанл. номз....дисс. автореф. – Т., 2006. – 21 б.; Уразметова А.В. Топонимик компонентли фразеологизмларнинг лингвокультурологик аспекти: Филол. фан. номз....дисс. – Т., 2006.; Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Фан, 2005. – 352 б.; Қосимова Н.Ф. Лисоний белги асимметрияси ва унинг сўроқ гап таржимасида воқеланиши: Филол. фан. номз....дисс. – Т., 2018. – 149 б.; Ўрмонова Н.М. Таржимада тарихий-архаик лексикани акс эттириш принциплари ва таржима аниқлиги: Филол. фан. номз....дисс. – Т., 2008. – 147 б.; Ғаниева Ш. Ўзбек фразеологизмлари структураси (шаклий ва мазмуний моделлаштириш): Филол. фанл. номз....дисс. автореф. – Фарғона, 2017.; Носиров А.А. Француз, ўзбек ва рус тилларидаги провербиал фразеологизмларнинг семантик-стилистик ва миллий-маданий хусусиятлари: Филол.фан.докт. (DsC) дисс... автореф. – Т., 2016. – 32 б.; Қурбонова Г.С. Француз ва ўзбек тилларида ономастик компонентли фразеологизмларнинг миллий-лисоний хусусиятлари: Филол. ф.ф.д. (PhD) дисс. автореф. – Т., 2019. – 50 б.

[5]Адашуллоева Г.М. Тожик ва ўзбек тилларида шахсхусусиятини ифодаловчи фразеологизмларнинг қиёсий-типологик таҳлили: Филол. фанлари бўйича фалсафа докри (PhD) дисс. – Т., 2019. – 181 б.

[6]Азимова М.Н. Анализ соматической лексики и фразеологии таджикского и английского языков: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Душанбе, 1980. – 24 с.

[7]Абдураҳимов М. Қисқача ўзбекча-русча фразеологик луғат. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 184 б.; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1978. – 407 б.; Содиқова. М. Қисқача ўзбекча-русча мақол-маталлар луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1993. – 259 б.; Умаров Э.А. Фразеологический словарь “Хазойин ул-маоний” Алишера Навои. – Т.: Фан, 1971. – 140 с.;Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. – Т.: Ўзбекистон миллий давлат энциклопедияси, 2001. – 448 б.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларида оддий сўзлашув нутқига хос фразеологизмларнинг ўзига хос хусусиятлари, юзага келиш омилларини ўрганиш асосида уларнинг адабий тил меъёрларига муносабати ва таржимада берилиш тамойилларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инглиз ва ўзбек тилларида оддий сўзлашув нутқига хос фразеологизмларнинг ўрни, лисоний-услубий имкониятларини аниқлаш;

оддий сўзлашув нутқига хос фразеологизмларнинг тузилиши ва семантикаси билан боғлиқ белгиларини, шаклланиш омилларини, образлилик даражасини очиб бериш;

оддий сўзлашув нутқига хос фразеологизмларнинг шакл ва мазмун муносабатига кўра турларини таснифлаш;

оддий сўзлашув нутқига хос фразеологик бирликларнинг адабий нутқда қўлланиш доирасини ва чегараланиш сабабларини далиллаш;

оддий сўзлашув нутқига хос фразеологик бирликларни таржимада бериш муаммолари ва уларнинг ечимларини ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек тилларида учрайдиган оддий сўзлашув нутқига хос фразеологизмлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини инглиз ва ўзбек тилларида оддий сўзлашув нутқига хос фразеологизмларнинг шакл, маъно, услуб хусусиятлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёсий-типологик, тарихий-қиёсий, лингвомаданий, контекстуал-ситуатив, дискурсив-тавсифий таҳлил методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

инглиз ва ўзбек тилларидаги оддий сўзлашув нутқи фразеологизмларининг метафорик-семантик хусусиятларига кўра фразеологик бирлик, идиома, атамалик/терминологик характерга эга идиофразеоматик бирлик, фразеоматик бирлик каби кўринишлари синтагматик аспектда функционал яхлитлик касб этиши исботланган;

қиёсланаётган тиллар фразеосистемаси бирликларига хос яхлитлик, турғунлик, изчиллик, тизимлилик каби норма белгилари ва мазкур бирликлар контекстуал-ситуатив қўлланишининг услубий мавқеини белгилашда тил парадигмасидаги лексик, грамматик, орфоэпик сатҳларга доир коннотатив (яширин) меъёрларнинг ўзаро функционаллик кўлами аниқланган;

образлилик, оддий тасвир, ифодалаш, прагматик-услубий каби баҳолаш меъёрлари фразеологик бирликлар тизимидаги бирламчи, уларни ҳосил қилувчи қолган барча лисоний (лексик, фонетик, синтактик) воситалар формал хусусиятга эга бўлган иккиламчи белгилар эканлиги асосланган;

коммуникатив мақсадига кўра миннатдорчилик, хурсандлик, қониқиш, рағбатлантириш каби ижобий ҳамда ғазаб, гина, ҳасад, кесатиқ, калака, масхара каби салбий коннотацияларга эга бўлган оддий сўзлашув ва бадиий нутқ фразеологизмларининг вазият контекстида воқеланадиган шакл ва мазмун муносабати ва уларнинг таржима қилинишида тилларо прагматик асимметрия юзага келиши далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларида оддий сўзлашув нутқига хос фразеологизмларнинг ўрни, специфик белгилари, шаклланиш омиллари, образлилик даражаси, миллий-лисоний, лингвомаданий, услубий-функционал хусусиятлари замонавий жаҳон тилшунослигининг янги назарий концепциялари асосида комплекс аниқланган;

оддий сўзлашув нутқига хос фразеологизмларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари таснифлаб кўрсатилган ҳамда адабий нутқда қўлланиш доираси ва чегараланиш сабаблари фактик далилланган;

инглиз ва ўзбек тилларида оддий сўзлашув нутқига хос фразеологик бирликларни таржимада бериш муаммолари ва уларнинг ечимлари ёритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда қўлланилган илмий-методологик ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг илмий ва бадиий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар қиёсий-типологик, тарихий-қиёсий, лингвомаданий, контекстуал-ситуатив, дискурсив-тавсифий таҳлил методлари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, эришилган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган назарий хулосалар инглиз ва ўзбек тилларида оддий сўзлашув нутқига хос фразеологизмларнинг ўзига хос хусусияти, шаклланиш омиллари ва адабий тил нормаларига муносабати, тил тизимида уларнинг тутган ўрни, поэтик нутқ тараққиётига таъсири, таржима жараёнида специфик хоссаларини, миллий тил белгиларини сақлаб қолиш усулларини, энг муҳими, оиласи ва қонуниятлари нуқтаи назаридан ҳар хил гуруҳга мансуб бу икки тил ибораларининг типологиясини билиб олишда назарий аҳамият касб этиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти инглиз ва ўзбек фразеологизмларининг спецификаси ҳамда типологиясига оид хулосалардан, фактик материаллардан олий ўқув юртларида лексикология, фразеология, стилистика, таржимашунослик соҳаларида маърузалар ўқишда, махсус курслар ўтишда, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, айниқса, инглиз ва ўзбек тилларидаги оддий сўзлашув нутқига хос фразеологизмларнинг икки тилли луғатини яратишда, ўқув жараёнига татбиқ қилишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилларида оддий сўзлашув нутқига хос фразеологизмларнинг ўрни, лисоний-услубий имкониятларини аниқлаш, мазкур бирликларнинг ўзига хос белгилари, шаклланиш омиллари, образлилик даражасини ўрганиш, таржима таҳлилини функционал мутаносиблик/номутаносиблик назариясига асосланган ҳолда амалга ошириш юзасидан олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

фразеологизмларнинг лисоний ҳодисалар сифатида нутқда муайян услубий вазифаларда қўлланиши, яхлит тизим сифатида намоён бўлиши,

мураккаб табиати, маъноларининг бир бутунлиги ёки улар ўртасидаги қарама-қаршилик, тарихий, этимологик маънолари билан ҳозирги даврдаги маънолари ўртасидаги фарқларни асослашга доир хулосалардан Андижон давлат университетида 2012-2014 йилларга мўлжалланган ИТД-1-57 рақамли “Ўзбек тилининг татбиқий йўналишларини амалга оширишнинг дастурини ишлаб чиқиш” давлат амалий-тадқиқот дастурлари доирасида амалга оширилган лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 январдаги 89-03-123-сон маълумотномаси). Натижада лисоний менталитетнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш, гендер фарқли бирликларнинг услубий, мазмуний, структур ҳамда вазифавий ўзига хосликлари каби масалаларни ёритиш ҳамда сўзлашув нутқининг социолингвистик, психолингвистик хусусиятларини аниқлашга эришилган;

фразеологизмларнинг халқ тилида турли ижтимоий-руҳий омиллар таъсирида юзага келиши ва умумхалқ томонидан бир хилда тан олиниб, анъанавий шаклда, ўзига хос турғун ва барқарор кўринишда, яхлит семантик бутунликда, умумлашган кўчма маънода қўлланиши жиҳатидан муайян нормага эгалигини кўрсата олиши билан боғлиқ хулосалардан Бухоро телеканалининг “Ассалом, Бухоро”, “Саккизинчи мўъжиза” телекўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2019 йил 10 октябрдаги 1/365-сон маълумотномаси). Натижада мазкур телекўрсатувлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллашган, илмий далилларга бой бўлиши таъминланган;

ибораларнинг тил нормаси, уларнинг анъанавийлиги, чекланганлиги ёки бузилишларга учраганлиги, адабий нормага муносабати, мазкур бирликларнинг умумхалқ томонидан тан олинган шакли, фразеологизмнинг маъноси, анъанавий структураси ўзгаришини таҳлил қилиш натижасида олинган хулосалардан Америка Қўшма Штатларидаги Джоржия штатида жойлашган Реформед университетининг талабаларига ўзбек тили ва маданиятини ўргатиш жараёнида фойдаланилган (Реформед университетининг 2020 йил 8 февралдаги маълумотномаси). Натижада адабий меъёр доирасида юзага келган фразеологизмларнинг инглизча, ўзбекча изоҳли луғатларда келтирилган шакл ва маъноларининг ранг-баранглигини англаш ва функционал жиҳатларини тушуниш учун манба бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та, жумладан, 1 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 та республика, 2 та хорижий журналларда, 17 та илмий

ахборот ва маъруза тезислари, шулардан 3 та илмий мақола халқаро журнал ва тўпламларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 134 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Фразеологик бирликларга хос тил нормалари”** деб номланган ва уч фаслдан таркиб топган. Боб фаслларида фразеологик бирликларда норма масаласи ҳамда фразеологик нормадан четга чиқишларнинг оғзаки ва ёзма нутқдаги кўринишлари ёритилган.

Ҳар бир халқнинг тилида унинг тарихи, руҳияти, фалсафий дунёқараши, маънавий-маданий, моддий турмуш тарзи, ўзига хос бетакрор анъана ва урф-одатлари, эътиқодий қарашлари, миллий - ментал хусусиятлари таъсирида келиб чиққан, луғатларида қайд қилинган фразеологизмлари борки, улар тил ва нутқда муайян норма ва меъёрлар доирасида сақланиб, қўлланиб келади. Агар уларга хос умумий белгилар ўзгарса, фразеологизмлар норма ва меъёрлари бузилган ҳисобланади.

Фразеологик бирликларнинг умумхалқ томонидан тан олинган шакл ва маънода нутқда қўлланиши уларга хос муайян норма борлигидан далолат беради. Мабодо уларнинг лексик таркиби муайян стилистик мақсадларда кенгайтирилса ёки қисқартирилса, шу норма бузилганлигини англатади. Чунки бунинг натижасида маълум фразеологизмнинг маъноси, компонентлари таркиби ўртасидаги лексик-грамматик бирикиш, анъанавий структураси ўзгариши юз беради.

Фразеологик нормадан ҳар қандай четга чиқишлар фразеологизмларнинг ноанъанавий бўлмаган қўлланиши бўлиб, унинг фразеологизм компонентларини алмаштириш ёки уларни эркин сўзлар сифатида ишлатиш, қисмларини синтактик ва семантик жиҳатдан бириктириб юбориш, тушириб қолдириш, қўшимча сўзлар қўшиш орқали структурасини кенгайтириш сингари окказионал, индивидуал кўринишлари мавжуд.

Фразеологик бирликларнинг нормаси масаласи жаҳон, шунингдек, ўзбек тилшуносларининг эътиборида бўлиб, қизғин баҳсу мунозараларга сабаб бўлиб келаётган масалалардан биридир. Бу ҳақда Б.С.Шварцкопф, Ю.А.Бельчиков, В.А.Ицкович, А.И.Молотковларнинг фикрлари алоҳида

эътиборни тортади[8]. Ўзбек тилшунослигида А.Маматов ушбу масалага жиддий диққат қаратиб, ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммоларига ўз муносабатини билдирган ва Б.С.Шварцкопфнинг фикрларига таяниб: “Фразеологик норма – бу нутқ амалиётида мустаҳкамланган, анъанавий изчил, бир типли ва тенг баҳоли бўлган фразеологизмларнинг қўлланиши, маълум даврда тил жамоаси томонидан маъқул деб қабул қилинган ва тўғри ҳамда намунали деб англанган тил ҳодисасидир”, – деб қайд этган[9].

Фразеологик бирликларнинг тилда ҳамиша тайёр ҳолда учраши, тил ва нутқда ўз ўрни борлиги, авлоддан авлодга, оғиздан оғизга тайёр кўринишда ўтиб яшаб келаётгани, доимо икки ёки ундан ортиқ мустақил сўзларнинг яхлит, турғун бирикмага айланиб, онгда қайта қабул қилиниши натижасида маъноси кўчиб, кўчма маъно касб этиши, морфологик таркиби, семантикаси, услубий-функционал хусусиятларининг ранг-баранглиги уларга хос муайян билимлар, норма ва қоидалар борлигини англатади. Кузатишларимиз фразеологизмлар нормаси қуйидагилар билан белгиланишини кўрсатди:

1. Фразео-семантик норма. Бунга кўра фразеологизмларнинг асл, анъаналашган маъноси ва шаклини эътиборда тутиб, уларни асл маъноси ва шаклига мос ҳолатда контекстда қўллаш лозим. Акс ҳолда, бу ибораларга хос норма бузилишига олиб келади, яъни иборанинг асл маъноси ўзгаради ёки йўқолиб кетади. Масалан, ўзбек тили луғатларида қайд этилган “жуфти ҳалол” иборасига антоним сифатида ҳосил қилинган “жуфти ҳаром” ибораси ҳали “Ўзбек тилининг фразеологик луғати”да қайд этилмаган. Бу иборалар шаръан никоҳли ва никоҳсиз турмуш эгалари маъноларини билдиради. Уни Иқбол Мирзо “Бону” романида қўллаганини кузатамиз[10].

2. Логик-семантик норма. Бу норма фразеологизмлар таркибида бир-бири билан бириккан сўзларнинг ўрни қатъий ва ҳамиша турғунлигидан далолат беради. Агар ибораларнинг таркибидаги сўзлар ўзгартирилса, бошқа сўзга алмаштирилса, албатта, мантиқий хатолик келиб чиқиб, ибораларга хос норма бузилиши юз беради. Шунинг учун иборалар таркибидаги лексик бирликларнинг нотўғри бирикишига йўл қўйиб бўлмайди. Масалан: Иқбол Мирзонинг “Бону” романида *“Девонанинг ишини парвона ўнглабди”* ибораси аслида халқ орасида кўпроқ *“Девонанинг ишини худонинг ўзи ўнглабди”* шаклида қўлланиши маълум. Демак, ёзувчи бу ўринда *“парвона”* сўзини ноўрин қўллаган. Чунки “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да[11] “парвона”

---

[8]Шварцкопф Б.С. Фразеологические единицы в отношении к языковой норме. Проблемы фразеологии и задачи ее изучения в высшей и средней школе. – Вологда, 1967. – С.51-52; Ицкович В.А., Шварцкопф Б.С. К типологии формальных отклонений от фразеологической нормы. Литературная норма в лексике и фразеологии. – М., 1983. – С.186; Бельчиков Ю.А. О нормах литературной речи. – Вопросы культуры речи. – Выпуск VI. –М., 1965; Молотков А.И. Основы фразеологиии русского языка. – Л., 1977. – С. 184-206.

[9]Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари: Филол. фанлари док-ри.... дисс. – Т., 1991. – Б.275.

[10]Мирзо Иқбол. Бону. Роман. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2018. – Б.202.

[11]Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. Учинчи жилд. Н – Тартибли. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – Б. 234.

сўзининг учта маъноси кўрсатилган: 1.Парвона. (*ф.-т.)* – тунги капалак). Шуъла ёки чироқ атрофида айланувчи тун капалаги. *Токчадаги бешинчи чироқ пириллаб ёнар, унинг атрофида катта бир парвона айланар эди.* А.Қаҳҳор, “Анор”. *Дилшод кечқурун чироқ атрофини ўраб оладиган парвоналарга ҳам ҳайрон бўлиб боқарди.* С.Зуннунова, “Гўдак ҳиди”. 2. *Кўчма.* Меҳрибонлик, меҳр-муҳаббат, парвариш каби муносабатлар мажмуи. *Кун кеча эмасми, хислатинг санаб, Шеър ёзиб юрардим, сенга парвона.* А.Орипов, “Юртим шамоли”. 3. Парвона (ёки гирдикапалак) бўлмоқ. Меҳрибонлик ёки хушомадгўйлик билан атрофида айланмоқ. *Бугун атрофида парвона бўлаётган қадрдон жигарларига айтгулик бирон гапи йўқми? С.*Аҳмад, “Жимжитлик”. 3. Парвона. II (*ф.-т.* – шоҳ фармони, буйруғи) *тар.* Амир, хон фармони, ёрлиғи.

Дарҳақиқат, парвона ўзини ёруғликка урувчи кичкина капалакдир. Шундай экан, у “худо” сўзининг ўрнида қўллана олмайди. Қолаверса, образ сифатида уни “Бону” романидаги Алишерга ҳам тенглаштириб бўлмайди. Чунки роман сюжетидан маълумки, Алишер Бонуга энг қийин вазиятида катта ёрдам кўрсатган мард, танти, ҳалол, жўмард, исми жисмига мос олижаноб шахс.

Адабиётда, айниқса, мумтоз ғазалчиликда парвонани ошиқ тимсолида қўллаш ўзига хос анъанага айланган. Лекин “Бону” романида парвонанинг изоҳли луғатда қўлланган “меҳрибонлик”, парвариш каби кўчма семаларигина сақланган, холос. Унинг ошиқ, муҳаббат, гирдикапалак бўлмоқ, хушомадгўйлик сингари муносабатлар мажмуига алоқадор маънолари кузатилмайди. Бу эса фразеологизмларнинг компонентлари маъно жиҳатдан шундай бузилиши мумкинлигидан далолат беради.

3. Лексик ва структур-грамматик норма**.** Ибораларга хос ушбу норма воситасида уларнинг таркибида ҳосил бўлган янгиланиш, шаклий ва маъновий ўзгариш, вариантлашиш жараёнларини аниқлаш имкони туғилади. Уларнинг табиатига хос семантик барқарорлик ва турғунликни англашга кўмак беради. Чунки лисоний ҳодиса сифатида фразеологизмлар тилнинг бошқа бирликлари каби ижтимоий ҳаёт, жамиятдаги ўзгаришлар таъсирида ривожланиб, ўзгариб, бойиб, кўпайиб боради. Бундан эса уларнинг динамиклик хусусияти намоён бўлади. Бунга кейинги вақтларда тилимизда кенг оммалашиб кетган *“телефон урмоқ”, “гудок ташламоқ”, “компьютерга берилмоқ”, “тестдан қайтмоқ”, “пластигини музлатмоқ”* сингари ибораларни мисол қилиш мумкин.

Бошқа тилларда бўлгани каби ўзбек тилида ҳам фразеологик бирликлар вариантдорлик хусусиятига эга. Уларга хос вариантдорлик эса узуал ва окказионал типларга бўлинади. Узуал фразеологик вариантлар, одатда, умумхалқ тилида тан олинган, изоҳли луғатларда қайд этилган шаклда, ўша норма доирасида, турғун барқарорлашган, кодификацияланган кўринишда қўлланади. Окказионал фразеологик вариантлар эса бадиий сўз усталарининг умумхалқ тилида тан олинган ибораларни ўзгартириб қўллашидан пайдо бўлади. Шунинг учун улар тилнинг фразеологик заҳирасини бойитиш ва янгилашнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Улуғбек Ҳамдам “Ёлғизлик” қиссасида *“оғиз солмоқ”* иборасини дарахтга нисбатан ишлатгани кузатилади: *“Қўзғалиб очиқ дераза ёнига келаркан, ташқарида шундоқ уйимнинг олдидан бошланиб, узоқларга* ***оғиз солган*** *қуюқ дарахтзорнинг қоқ ўртасида порлаб турган чироқни кўрдим”*[12]**.** Аслида *“оғиз солмоқ”* ибораси халқимиз орасида совчиликда, яъни бировнинг қизини келинликка ёки ўғлини куёвликка сўрамоқ, сўратмоқ маъносида ишлатилади[13]. Бироқ келтирилган жумлада “оғиз солмоқ” ибораси дарахтга нисбатан қўлланиши оқибатида ташхис санъати ҳосил қилинган ва у узоқларга соя солган деган маънода қўлланилган. Буни эса контекстнинг умумий маъноси ва ушбу фразеологизмнинг “дарахт” сўзига нисбатан қўлланилгани далиллаб турибди. Бундан англашиладики, фразеологизмлар таркибидаги сўзлар бир-бири билан тасодифан бирикмайди, уларнинг таркибида бириккан сўзлар, аввало, тилдаги вазифасига қараб ўзаро боғланган бўлади.

Баъзи фразеологизмлар матнда кенгайтириб қўлланиши оқибатида компонентлари контекст бўйлаб ёйилиб кетади. Бунда уларнинг маъносини бирдан уқиш қийин ва контекстнинг умумий маъносини тушунгандан кейингина уни англаб олиш мумкин. Қуйида анъанавий “*кўнгли тўқ*” иборасининг ёзувчи томонидан кенгайтириб қўлланган кўринишини мисол келтирамиз: “*Кўнгилни мўлтонининг иштонидай кенг тутинг, ичига шамол кириб, ўзи обориб қўяди керакли жойга. Жайдарироқ фалсафа-ю, лекин тубсиз қудуққа тушиб қолган кишига зўр таскин-да, тўғрими?”*[14]

“*Кўнгли кенг”* ибораси, одатда, ҳар нарсага сиқилавермайдиган, ташвиш тортавермайдиган инсонларга нисбатан қўлланади[15]. Юқоридаги матн парчасининг инглизча таржимаси ҳам амалга оширилган: *“Keep your heart as wide open as a gypsy’s knickers, so the wind can blow in and take you where you need to be.” It’s a simple philosophy, but it is a good comfort if you’re down in the dumps, isn’t it? In fact, our ears are not only given tous so that we might listen to the din of this transient world!”*

“*Кўнгилни мўлтонининг иштонидай кенг тутинг”* ифодаси таржимада *“your heart as wide open as a gypsy’s knickers”* ифодасида берилган. Бунда *“мўлтони”* сўзи *“лўли”, “иштон”* сўзи эса *“шалвор”* сўзи орқали ифода қилинган. “Мўлтони” ва “лўли” сўзлари ўзаро синоним сифатида қўлланиши кузатилса-да, “иштон”ва “шалвор” сўзларини доимий синоним деб бўлмайди, чунки улар тикилиши ҳамда кўриниши жиҳатидан ўзаро фарқ қилади.

Кўринадики, ўзбек тилида аслида ўз шаклига биноан *“кўнгилни кенг тутмоқ”* фразеологик бирлигининг маъноси бутун бир контекстни охиригача ўқигандан сўнг тўлиқ англашилади. Бу ўринда ушбу ибора ўртасига киритилган *“мўлтонининг иштонидай”* ўхшатиши (ташбеҳи)

---

[12]Улуғбек Ҳамдам. Ёлғизлик: роман. – Т.: Янги аср авлоди, 2017. – Б.50.

[13]Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. 3-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – Б.199.

[14]Аъзам, Эркин. Шовқин: роман, қисса, ҳикоялар – Т.: O’zbekiston, 2011. – Б.104.

[15]Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. Иккинчи жилд. Н – Тартибли. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.535.

окказионал киритма компонент бўлиб, аввало, у мазкур ибораниг образлилигини ва бадиий таъсирчанлигини ошириш мақсадида қўлланилган. Иккинчидан, бу “киритма” шаклан турғун, мазмунан яхлит ибораниг структурасини бузган эса-да, унинг маъносини янада аниқлаштириб, кучайтиришга хизмат қилмоқда. Учинчидан, мазкур ҳолатда фразеологик бирлик компонентлари ўзининг асл шакли билан боғлиқ структурал нормасини йуқотиб, бутун контекст бўйлаб тарқоқ ҳолда қўлланилмоқда. Кўринадики, соф фразеологизм структураси билан алоқадор бундай ўзгартириш стилистик жиҳатидан асосли бўлса ҳам, аммо турғун сўз бирикмасининг асл шакли бузилганлиги боис мазкур ҳолат барибир фразеологизм нормасидан чекиниш ва уни бузиш ҳисобланади. Бироқ бу ўринда тил нормасидан четга чиқиш фақат тил ҳодисаси саналган фразеологизм билан боғлиқ. Айтиш лозимки, бунда тил нормаси бузилган холос, нутқ нормаси эса бузилмаяпти, чунки тилда мавжуд ибора нутқ доирасида қўлланаяпти.

Фразеологизмларнинг нотўғри бирикиши натижасида содир бўладиган шакл ва маъно бузилишлари. Масалан, қуйидаги гапда синоним (маънодош) ибораларнинг бир гап таркибида, ёнма-ён ишлатилаётганига гувоҳ бўлиш мумкин: *“Шугина омонат илтифотга ҳам ийиб кетиб, Фарҳоднинг унга меҳри товлангандек бўлди*[16]*. Лекин бу матн таржимасида ҳар иккала ибора сақланмаган, тушириб қолдирилган: Farhod, gladdened by this unrealistic but generous offer, said”.*

Бу мисолда фразеологизмларнинг синонимик бузилиши кўзга ташланади. Чунки “*ийиб кетиш”* аслида соғиладиган (сигир, қўй, эчки) каби жониворларга нисбатан қўлланадиган ибора бўлиб, бу контекстда унинг инсонга, қолаверса яна эркак киши (Фарҳод)га нисбатан қўлланаётгани семантик жиҳатдан нотўғри бирикишни англатади. Чунки тилимизда мавжуд бўлган жуда кўп сўзлар ва уларнинг маънолари тил тизимида мана шундай тарзда ички семантик, гендер боғланишлар жиҳатидан чекланган. Шунинг учун лексик бирликларнинг ибора таркибидаги бундай алмашинувлари фразеологик норма бузилишларга олиб келади.

Фразеологизмларнинг антонимик бузилишига ҳам гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан: *“ – Сут ичсам оқараман, – деди Тўрақул зўр-базўр.*

– Қанчадан-қанча эчкию сигир эмиб, ***ичингни оқартира олмадинг-ку,*** *эндигиси кор қилармиди? Одам бўлишимни хоҳламаяпсан-а.* ***Ичи қоралик*** *қиляпсан”*[17]**.**

“Оқ” сўзи маъноси жиҳатидан “қора” сўзига қарама-қарши, яъни антоним сўздир. Шундан келиб чиқиб, барча инсонларнинг “тил хотираси”да ичи (кўнгли оқ) ибораси“ичи қора” иборасининг доимий антоними сифатида муҳрланган.

---

[16]Аъзам, Эркин. Шовқин: роман, қисса, ҳикоялар – Т.: O’zbekiston, 2011. – Б.147.

[17]Раҳимжонов, Нўъмон. Соя / Жимжит жолалар [Матн]: қисса, эсселар, замонавий эртаклар, дилбитиклар, масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи Х.Дўстмуҳаммад. – Т.: “O’zbekiston” НМИУ, 2016. – Б.47.

Баъзан бу ибораларнинг нутқда трансформация қилинган, индивидуал, окказионал фразеологизм сифатида қўллангани кузатилади: *“Афти-ангорингни, танагни(нг) қоралиги ичингга уриб кетган”* [18].

Персонаж нутқида *“ичи қора”*сан деб айтиш учун юқоридаги гап қўлланганки, бунда иборанинг трансформация қилинганлиги аён бўлади.

“Оддий нутқда фразеологизмларнинг келиб чиқиш омиллари” деб номланган иккинчи боб уч фаслдан иборат бўлиб, уларда фразеологизмлар келиб чиқишида мифологик тасаввур-тушунчаларнинг ўрни ва роли, уларнинг шаклланишига жаргон ва арголарнинг, диалектизм, варваризм ва вульгаризмларнинг таъсири аниқланган.

Фразеологизмлар орасида теонимлар, ёки *шайтон, жин, бало, алвасти* каби мифонимлар, *жаннат, дўзах, аросат, етти қат ер, етти қават осмон* сингари мифотопонимлар билан боғлиқ диний-мифологик тасаввур-тушунчалар асосида шаклланганлари алоҳида тизимни ташкил қилади ва улар қадимийлиги, бошқа халқларда ҳам учраши билан айрича эътиборни тортади. Диний-мифологик тасаввур-тушунчалар асосида шаклланган фразеологик бирликлар ўзбек ва инглиз тилида кўп учрайди. Ҳатто баъзиларининг мантиқий яқинлиги кузатилади. “Шайтоннинг малайи” ибораси инглизларда “Devil’s advocate”, яъни “шайтоннинг адвокати” кўринишида руҳонийлар манфаатини, католик канонизация (қонун-қоидалар)ни, кўзга кўринмас мифологик кучларга ишончни, сеҳр-жодуни қўллаб-қувватловчи кимсаларга нисбатан ишлатилади. Масалан*: “You’re not satisfied with the miracles of Giacomo Verone?’ ‘I’m the Devil’s Advocate. It’s my business to be dissatisfied.’ (M.West, ‘The Devil’s Advocate’, ch.XI)*[19]*. – Вы не удовлетворены чудесами, совершенными Джакомо Вероне? – Я же адвокат дьявола. Моя обязанность все подвергать сомнению”. – Сиз Джакомо Вероне кўрсатиб берган ғаройиботлардан қониқмадингиз шекилли? – Мен шайтоннинг адвокатиман-ку! Ҳаммасини тасдиқлаш, ишончсизликларни бартараф қилиш менинг бурчим”.*

Инглиз тилида бундай ибораларнинг аксарияти инсон онги ва психологиясига катта таъсир кўрсатиш кучига эгалиги боис халқ тилида олқиш ёхуд қарғиш даражасида қўлланиши кўзга ташланади.

Қадимги кишиларнинг инсоният, ҳайвонот ва наботот ҳаёти учун ниҳоятда зарур ҳисобланган *сув, олов, ҳаво, тупроқ* каби тўрт муҳим унсурга эътибори ва эътиқодий муносабати, инсон тақдири, қисмати, пешона ёзиғи, ўлим ёки умр ўткинчилиги тушунчалари билан боғлиқликда яратилган иборалар ҳам тил ва нутқда ўз ўрнига эга бўлиб, одатда, муайян вазиятни ё бирор кишининг руҳий ҳолатини баҳолашда қўлланади. *“Fall (land) on one`s feet”* ёки *“come unscathed out of the battle”* – сувдан қуруқ чиқмоқ маънosидаги ибора қийин вазиятдан осон қутулмоқ ҳолатини билдиради. *“Be out of one`s element* – ўзини сувдан чиқиб қолган баликдай ҳис қилмоқ,

---

[18]Раҳимжонов, Нўъмон. Соя / Жимжит жолалар [Матн]: қисса, эсселар, замонавий эртаклар, дилбитиклар, масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи Х.Дўстмуҳаммад. – Т.: “O’zbekiston” НМИУ, 2016. – Б.47.

[19]Кунин А.В.Англо-русский фразеологический словарь. – М.: Русский язык, 1984. – С.32.

“between two fires” – икки ўт орасида қолмоқ иборалари қийин вазиятда қолмоқ тушунчаларини англатади.

Фразеологизмларнинг келиб чиқишига жамиятдаги ҳар хил ижтимоий қатламлар ёки гуруҳлар тили ва нутқи, жумладан, турли касб-ҳунар эгалари, юридик ҳамда ҳарбий соҳада фаолият юритувчи кишилар, халққа хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар, савдо ходимлари, тикувчилар, таксист-ҳайдовчилари, талабалар аргоси, жаргонлар, табу ва эвфемизмлар ҳам таъсир кўрсатган. Масалан, кейинги йилларда талабаларнинг билимини аниқлаш ва баҳолаш учун жорий қилинган рейтинг тизимида “жорий назорат”, “оралиқ назорат”, “якуний назорат” сингари назорат турлари амал қилди. Шундан келиб чиқиб, талаба ва улар билан ишлайдиган профессор-ўқитувчилар нутқида бу назорат турларидан ўтолмаслик ҳолатига нисбатан “жорийдан қайтмоқ”, “ораликдан қайтмоқ”, “якунийдан қайтмоқ”, шунингдек, “тестдан йиқилмоқ”, “якунийдан йиқилмоқ”, “сессияни ёпдим” сингари метонимия усулида шакллантирилган иборалар қўлланила бошланди. Улар, асосан, оддий нутқда ишлатилди, адабий тилга сингишиб улгурмади.

Шунингдек, ижтимоий ҳаётда турли касб ва ҳунар эгалари нутқида шаклланган иборалар ҳам бор. Улардан бири ҳуқуқ-тартибот ходимлари, яъни юридик соҳада фаолият юритувчи кишилар нутқида учрайдиган “айбини юзига солмоқ”, “айбини яширмоқ, “айбини бўйнига илмоқ”, “ўз қилмишини оқламоқ” каби. Эътиборли жиҳати шундаки, бу иборалар А.В.Кунин тузган “Инглиз-рус фразеологик луғати”да ҳам келтирилган ва юридик жаргонлар “юр.жарг.” деб кўрсатилган[20]. Масалан: *“Gosh, it may be great to be a smart guy like George!” moaned Vergil Gunch. “He’s probably stolen all of Dorchester. I’d hate to leave a poor little defenseless piece of property lying around where he could get his hooks on*[21].

Ҳарбийлар нутқида “қатордан чиқармоқ”, “сафдан чиқармоқ” иборалари ҳарбий техника воситаларини йўқ қилмоқ, яроқсиз аҳволга келтирмоқ маъносида ишлатилади. Масалан, *“US vets’ mental health challenges are an obvious 'pain in the neck' for our society to deal with”*[22]. *«The US military is a fish rotting from the head; a politically correct, feminized, decrepit, nearly bankrupt force that is one step away from complete obliteration on the land, on the seas and in the air"* [23].

Иборалар аслида халқ тили маҳсули бўлганлиги сабабли уларнинг таркибида шева сўзлар (диалектизмлар), сўкинч сўзлар (вульгаризмлар), миллий тилга бошқа тиллардан кириб келган, лекин ҳали унда ўзлашмаган, луғатларига кирмаган сўзлар (варваризмлар ва макаронизмлар) ҳам учрайди. Масалан, халқ тилида “кўкдан тўйган куррадай”, “калапўшни дол қўйиб”, “калласини йўқотиб қўймоқ”, “калла пиширмоқ”, “патаки пайтава бўлмоқ”

---

[20]Кунин А.В.Англо-русский фразеологический словарь. – М.: Русский язык, 1984. – С.28.
[21]Babbitt is a novel by Sinclair Lewis. P.507.
[22]Moore A.B. Be assertive, better your mental health /A.B. Moore // Marine Corps Times. – 2013, November 5. – P. 8.
[23]Starmann R. The US Military – A Fish Rotting from the Head / A. Tilghman // Militarytimes.com. – 2016. – [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://usdefensewatch.com/2016/05/the-us-military-a-fish-rotting-from-the-head/ (дата обращения: 17.05.16).

сингари бир қатор иборалар борки, уларни фразеологизмларнинг мавжуд изоҳли луғатларида кузатмаймиз.

Айрим ҳолатларда ибораниг макаронизм сифатида кетма-кет қўллангани кузатилади. Масалан: "*С удовольствием. Я его люблю*, – дейди. Бажонидил. Мен бу кишини яхши кўраман"[24]. (Таржимаси: *"With great pleasure! I love this man!")*.

Ушбу мисоллардан шуни англаш мумкинки, макаронизмлар фақат аслият матнлари учун хосдир. Таржима матнларида эса уларни сақлаб қолиб бўлмайди, йўқотилади.

